



ЁШ БАДМИНТОНЧИЛАРДА КУЧ СИФАТИНИ МИЛЛИЙ ХАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР ЁРДАМИДА РИВОЖЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ

*Абдуразоқов Ҳасан Абдуазимович, Маҳмараимов Жасур Жуманазарович, Расулов Азиз
Сайфиддиновиҷ, Қурбонова Наима Қаҳрамон қизи*

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, Бадминтон, теннис назарияси
ва услубияти кафедраси ўқитувчилари

Аннотация: Уибу мақолада ёш бадминтончиларда куч сифатини миллий харакатли ўйинлар ёрдамида ривожлантириши самарадорлиги бўйича ўтказилган сўровнома ва жисмоний сифатларни ривожлантиришига қаратилган ҳаракатли ўйинларни олти ой мобайнида қўйлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари, 10-11 ёшли болаларни бадминтон спорт турига йўналтириши ва уларга спорт юкламаларини тўғри берилиши бўйича кўрсатмалар берилган.

Kalit so'zlar: жисмоний тайёргарлик, анализ, ҳаракатли ўйинлар, машқларнинг хилмаликлиги.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Ўзбек халқининг минг йиллар давомида яратган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ижод бойликларини тўплаш, ўрганиш, бу бой хазиналар асосида ёш авлодни маънавий бой, ахлоқий пок, жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бунинг яқол исботи сифатида Президент ризедентимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30-октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сон Фармонига мувофиқ аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ишнинг долзврблиги: Ёш бадминтончиларнинг куч сифатини ришвожлантиришда машғулотларнинг доимий бирхилликда ўтилиши сабабли болаларни анча толиктириб, машғулотларга қизиқишиларини сусайтириб келмоқда. Шу сабабли замонавий технологияларни қўйлаш, машқларни хилма-хиллигини ошириш ўзида техник ва тактик харакатларни акс эттирувчи ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш орқали куч сифатини ривожлантириш анча самаралидир. Чунки боланинг жисмоний функционал қобилияtlарига ёшлидан асос солинмаса, улғайиш давомида шу қобилияtlарни самарали шакллантириш имконияти мураккаб кечади.

Ишнинг обекти- Ёш бадминтончиларнинг куч сифатини ривожлантиришда миллий ҳаракатли ўйинларнинг ўрни

Ишнинг предмети- Ёш бадминтончиларнинг куч сифатини ривожлантиришда миллий



харакатли ўйинлар орқали жисмоний сифатларини шакиллантириш

Ишнинг мақсади- Ёш бадминтончиларнинг куч сифатини ривожлантиришда миллий ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш тажрибасини ўрганиш ва уларнинг жисмоний сифатларини ўйинсумон машқлар ёрдамида шакиллантириш самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот услублари ва материаллари. Тадқиқотлар жараёнида бадминтончиларда қўлланиладиган асосий машқларини аниқлаб тайёргарлик даражасини баҳолаш ва куч сифатини ривожлантириш мақсадида назорат машқлари қўлланилди

- Тўпни тушириб юборма эстафетаси 10 марта (минут)
- Болта билан тўпни ўйинга киритиш усулида ходани чопиш машқи. 15 марта (минут)
- Аравалар баҳси эстафетаси 5 марта (минут)
- Хўроллар жанги (юқори балл 10 балл)
- Ким кучли (эстафета) ўйини (юқори балл 10 балл)
- Ёш спортчилардан ўйинсимон машқларнинг ўрни тўғрисида аноним сўровнома ўтказиш.

Ёш бадминтончиларнинг куч сифатини оширишда ностандарт машқлар-нинг самарасини аниқлаш мақсадида қиёсий тажриба ўтказилди. Назорат ва тажриба гурӯҳи таркибида ўртacha ҳисобида 13-14 ёшли бадминтончилар иштирок этди. Асосий педагогик тадқиқот 2021 йилнинг август ойидан 2022 йилнинг январ ойигача ўтказилди. Тадқиқотлар давомида 20 та бадминтончилар қатнашди.

Ушбу педагогик тадқиқотда назорат гурӯхида 10 та бадминтончи ва тажриба гурӯхида 10 та бадминтончи иштирок этди. Тажриба давомида ёш бадминтончиларнинг жисмоний куч сифатини ривожлантириш самараси баҳоланди. Машғулотда қўлланадиган машқларни танлаш тадқиқотда иштирок этувчи ёш спортчиларнинг функционал имкониятларига мос ҳолда ҳамда жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг замонавий усуллари тўғрисидаги маълумотлар ҳам ҳисобга олиниб амалга оширилди.

Педагогик тадқиқот бошланишида назорат ва тажриба гурӯҳлари ёш бадминтончиларининг куч сифатини аниқлаш тестлари натижаларини статистик қиёсий тахлили

№	ТЕСТЛАР	Тажриба гурӯҳи			Назорат гурӯҳи			t_{ct}	P
		\bar{X}	σ	V, %	\bar{X}	σ	V, %		
1	Тўпни тушириб юборма эстафетаси (секундалрда)	1,33	11,3	8,5	1,30	10,07	8,23	0,61	>0,05
2	Болта билан тўпни ўйинга киритиш усулида ходани чопиш машқи. (мин.)	3,35	0,19	5,67	3,31	0,20	6,34	0,45	>0,05
3	Аравалар баҳси эстафетаси (мин.)	4,11	0,42	10,2	4,15	0,43	10,4	0,21	>0,05
4	Хўроллар жанги (балл)	5,3	0,59	11,1	5,6	0,57	10,2	1,16	>0,05
5	Ким кучли ўйини (балл)	5,6	0,65	11,6	5,9	0,62	10,5	1,06	>0,05



Тажриба гурухи ёш бадминтончиларининг қуч сифатини аниқлаш тестлари натижаларини педагогик тажриба давомида ўзгаришини статистик қиёсий таҳлили

№	ТЕСТЛАР	Тажриба бошида			тажриба якунида			t_{ct}	P
		\bar{X}	σ	V, %	\bar{X}	σ	V, %		
1	Тўпни тушириб юборма эстафетаси (секундларда)	1,33	11,3	8,5	1,12	11,3	10,09	4,16	<0,05
2	Болта билан тўпни ўйинга киритиш усулида ходани чопиш машқи. (мин.)	3,35	0,19	5,67	2,95	0,26	8,814	3,93	<0,05
3	Аравалар бахси эстафетаси (мин.)	4,11	0,42	10,2	3,75	0,43	11,47	1,89	>0,05
4	Хўроздлар жанги (балл)	5,3	0,59	11,1	6,7	0,76	11,34	4,60	<0,05
5	Ким кучли ўйини (балл)	5,6	0,65	11,6	7,2	0,83	11,53	4,80	<0,05

Педагогик тажрибанинг шарт шароитлари, ташкил этилиш тартиби ва танлаб олинган ўйинсимон эстафетали машқларнинг ихтисослаштирилган варианtlари тажриба гурухига кўлланилиши қуч ва умумий чидамкорлик сифатларини кескин тарақкий этишига сабаб бўлди. Бундай натижга анъанавий типдаги машғулотлар билан шуғулланувчи ёш бадминтончиларда қайд этилмади

Педагогик тажриба давомида танлаб олинган машқларнинг, ёш таннисчиларни қуч сифатини ривожлантириш учун кўлланилган ностандарт ўйинсимон машқлар “Тўпни тушириб юборма эстафетаси”, “Болта билан тўпни ўйинга киритиш усутида ходани чопиш машқи”, ҳамда “Хўроздлар жанги, ким кучли (эстафета) ўйини” машқлари бажариб борилди, машқларнинг самарадорлик даражасини аниқлаш учун машқларни бажариш вақти қайд этиб борилди.

Педагогик тадқиқот якунида тажриба гурухи ёш бадминтончиларининг тадқиқ қилинаётган барча назорат машқлари бўйича кўрсатган натижалари тажриба бошидаги мос кўрсаткичларга нисбатан яхшиланганлиги кузатилди. Чунончи, “ким кучли ўйини” (28,57 %) ва “Хўроздлар жанги ўйини” (26,42 %) машқларида энг катта ўсиш кузатилди, “Тўпни тушириб юборма эстафетаси” (15,79 %) ва “Болта билан тўпни ўйинга киритиш усутида ходани чопиш” (11,94 %) машқларида бироз камроқ ҳамда “Аравалар бахси эстафетаси” машқида (8,76 %) энг кам яхшиланганлиги аниқланди. стьюентнинг тақсимот қонуни бўйича тажриба гурухи ёш бадминтончиларнинг педагогик тадқиқот давомида назорат тестлари кўрсаткичларининг ўзгариш фарқларини статистик ишончлилиги аниқланганлигини кўришимиз мумкун.

Бадминтон машғулотларида ва машғулотдан ташқари вақтларда ўтказиладиган ҳаракатли ўйинлардан фойдаланилса болалар жисмоний сифатларини ривожлантириш ва ҳаракат малакаларига ўргатиш самарадорлиги ошиши исботланди.

Демак умум жисмоний ва маҳсус жисмоний тайёргарликларини ошириш учун ташкил қилинган машғулотларни ҳам болаларнинг ёши, жинси, қизиқиши ва бошқа хислатларини хисобга олиш лозим.



Айрим мураббилар қисқа вақт ичида жисмоний сифатларни ривожлантиришни жадаллаштириш, тезроқ малакали спортчи тайёрлаш мақсадида маҳсус ва ихтисослашган машқларни зўрма-зўраки қўллайдилар. Тўғри айрим холларда яний, агар боланиг наслий ва индивидувал имкониятлари серзахира бўлса бундай бола тез орада яхши спортчи бўлиб йетишиши мумкун.

Аммо, аксарият холларда бундай катта юкламали машғулотлар боланинг тез чарчаши, зўриқиши, хатто унинг касалланишига олиб келиши мумкин. Спорт амалиётида шундай холатлар хам учрайдики, бир-бирига ўхшаш мунтазам бериладиган машқлар спорт билан енди шуғулланишни бошлаган болада қизиқиши сўндиради, унда спортга ихлос йўқолади, провардида у спорт билан шуғулланмай қўяди. Шунинг учун ёш спортчиларни тайёрлашда, айниқса дастлабки ўргатиш босқичида жисмоний сифатларни ривожлантириш, техник-тактик маҳоратни “қисқароқ йўл билан” шакиллантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш ўта фойдли ва муҳим масала бўлиб хисобланади.

Ана шундай масалалар холатини ўрганиш учун биз бадминтон билан енди шуғулланишни бошлаган гурухлар ўртасида сўровнома ўтказдик (1-жадвал)

1-жадвал. Шуғулланувчилар иштирокида ўтказилган сўровнома натижалари (n=30)

№	Саволнома	Ҳа	Йўқ	Қисман
1	Мураббингиз Ҳўларнинг аҳамияти ҳақида сухбатлар ўтказадими?	6	20	4
2	Машғулотларда Ҳўлар қўлланиладими?	11	7	12
3	Машғулотлардан ташқари вақтларда Ҳўлар ўтказилармиди?	12	10	8
4	Мактабда жисмоний тарбия дарсларида Ҳў ўтказилармиди?	24	-	6
5	Жисмоний сифатларни ривожлантирувчи ҳаракатли ўйинларни биласизми?	8	10	12
6	Болалар билан мактабда ёки маҳаллада Ҳўлар ўйнайсизми?	28	-	2
7	Миллий халқ ўйинларини миллий қариятдеб тушинасизми?	7	17	6

Машғулотга қатнашувчи болалар иштирокида ўтказилган сўровнома натижалари шуни кўрсатди, турли мазмун ва моҳиятга эга ҳаракатли ўйинлар респондент болалар ҳаётида, жумладан уларнинг маънавий ва жисмоний тарбиясида тўла-тўқис акс этмас экан. Буни қуйидаги саволларга олинган жавоблардан билса бўлади.

“Мураббингиз Ҳўларнинг аҳамияти ҳақида сухбатлар ўтказадими?”- деб қўйилган саволга респондентларнинг фақат 20% ижобий жавоб қайтариши, 67% “Йўқ” ва 13% эса “Қисман” деб фикр билдирилар. Агар машғулотлarda ёки бошқа шароитларда ҳаракатли ўйинлар қўлланилган тақдирда ҳам улар ҳақида етарли назарий билимга эга бўлиш муҳимдир. “Машҳулотларда Ҳўлар қўлланиладими?” – деган саволга 36,7% респондент “Ҳа”, 23,3%и “Йўқ” ва 40%и “Қисман” деб жавоб беришиди. Болалар билан ўтказилган оғзаки сухбатларда уларнинг аксарияти бадминтон ва бошқа спорт ўйинлари билан шуғулланишиларини билдирилар.

Афсусланарли жойи шундаки, сўровномада иштирок этган кўпчилик шуғулланувчилар ҳатто машғулотларда ёки машғулотлардан ташқари вақтларда ҳам (3-савол) мақсадли ташкил қилинган Ҳўлар машғулотлардан ташқари ўтказилмаслигини айтиб ўтди. Респондентларнинг 60%и “Йўқ” ёки “Қисман” деган фикр билдиришиди.

Шу билан бир қаторда, 4-саволга берилган натижалардан болаларнинг кўпчилик респондентлар 80%и болалар боғчасига қатнаган даврида ҳаракатли ўйинларда муттасил



иштирок этишган.

Болаларнинг жавобларига қараганда, улар ҳатто қандай мазмунли Ҳўлар қандай сифат ёки хислатларни шакллантиришни ҳам аниқ фарқлай олмас эканлар (5-савол жавобларига қаранг). Лекин, харакатли ўйинларнинг моҳиятини билмасаларда, деярли барча респондентлар мактабда ёки ўз маҳалаларида харакатли ўйинлар билан машғул бўлар экан.

Саволнома натижаларидан кўзга ташланадиган яна бир салбий ҳолат – бу 7-саволга олинган жавоблардир. Жумладан, “Миллий халқ ўйинларини миллий қадрият деб тушунасизми?” – деб номланган саволга болаларнинг 23,3%и “Ха” деб жавоб беришган бўлса, 56,7% респондентлар “Йўқ” ва 20%и эса “Қисман” деган фикрни билдиришиди.

Маълумки жисмоний тарбия дарслари бўйича тасдиқланган ўқув режасига харакатли ўйинлар мустақил фан сифатида киритилган, назарий ва амалий дарслар барча синфларда режалаштирилган. Лекин, болалардан бундай жавоблар олиниши ушбу масалага жиддий ёндошиш зарурлигига эътибор қаратади.

Машғулот жараёнида ҳам, машхулотдан ташқари ўтказиладиган харакатли ўйинлар жисмоний сифатларни ривожлантириш ва спорт малакаларига ўргатиш устувор жиҳатдан харакатли ўйинлар орқали ҳал қилиниши, қўйилган масалалаларга тезкор ва самарали эришиш имкониятини яратади.

Хулоса. Мавзуга оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики бадминтон бўйича ўтказилаётган машғулотларда ностандарт эстафетали ўйинсимон машқлардан фойдаланиш деярли йўлга қўйилмаган. Шу билан бир қаторда талайгина адабиётларда фикир билдирилишича ёш спортчиларни тайёрлаш амалиётида ностандарт эстафетали ўйинсимон машқларга этибор қаратиш жисмоний сифатларни ривожлантириш жараёнига ижобий таъсир этар экан.

Педагогик тажрибанинг шарт шароитлари, ташкил этилиш тартиби ва танлаб олинган ўйинсимон эстафетали машқларнинг ихтисослаштирилган варианtlари тажриба гурухига қўлланилиши куч ва умумий чидамкорлик сифатларини кескин тарақкий этишига сабаб бўлди. Бундай натижа анъанавий типдаги машғулотлар билан шуғулланувчи ёш бадминтончиларда қайд этилмади.

Педагогик тажриба якунида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, тажриба гуруҳидаги болалар жисмоний тайёргарлиги 6 ойдан сўнг назорат гурухига нисбатан кескин динамик ўзгариш билан ифодаланди.

Бинобарин, кўп йиллик спорт машғулотлари жараёнида, айникса дастлабки тайёргарлик босқичида қўлланиладиган машғулотлар давомида жисмоний сифатлар бўйича табақалаштирилган ва ихтисослаштирилган ўйинсимон машқлардан фойдаланиш юксак самарали натижага эришиш имкониятини яратар экан. Алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай машғулотлар болаларнинг руҳияти ва қизиқишига ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланган адабиётлар.

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 30-Октябрдаги ПФ-6099-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3-июндаги “Оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ – 3031-сонли қарори.



3. Бадминтон Безверхов В.П 2017 йил
4. Abdalimov O.X., Azamatova N.I. “Yosh tennischilarni tayyorlash texnologiyasi” O‘quv qo‘llanma. T.: 2014y. 115 b.
5. Волков Л.В. Теория и методика детского и юношеского спорта. киев, Олимпийская литература, 2002.-299с
6. Арзикулов Д. Н. СПОРТЧИЛАРНИ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТДАН ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЖТИМОЙЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ //Fan-Sportga. – 2020. – №. 4. – С. 73-75.